

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

ISSN 2010-6602

БАНК ХОДИМЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ҲАФТАЛИК НАШРИ

ГАЗЕТА 1995 ЙИЛ ЯНВАРДАН БОШЛАБ НАШР ЭТИЛМОҚДА

№ 20 (1251)

2020 ЙИЛ 28 МАЙ

МАСОФАВИЙ ХИЗМАТЛАР ҲАЖМИНИ КЕСКИН ОШИРИШ ЛОЗИМ

Ўзбекистонда сўнги уч йил ичида валюта-ни тартибга солиш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, валюта сиёсатини либераллаштириш, барча тадбиркорлик субъектларига ташқи савдо фаолиятини амалга оширишда тенг шароитлар ва кенг имкониятлар яратиш юзасидан қатор ислоҳотлар олиб борилмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ республикамиз тижорат банкларида хорижий валюта олди-сотдиси бўйича опрециялар салмоғининг кескин ўсиши ҳолати кузатилди.

Бу эса ўз навбатида, тижорат банклари олдида тезкор ва самарали амалга оширилишни талаб этувчи муҳим вазифалар юклади. Хусусан, тижорат банклари конверсион операциялари, уларни амалга ошириш механизмларини мукамал ишлаб чиқишлари, айниқса инновацион технологиялардан унумли фойдаланган ҳолда ҳозирги замон бозор иқтисодиёти субъектларига хос усулларни жорий этиш ва такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, бугунги кунда конверсион операциялар халқаро меъёр ва стандартларга мос равишда такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир.



Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ташаббуси билан республика тижорат банкларининг "Банк мижоз" дастурида юридик шахслар томонидан хорижий валюта олди-сотдиси операцияларини жорий этилиши банкларнинг юридик мижозларига масофадан хизмат кўрсатишдаги муҳим қадам бўлди.

Бунинг натижасида мижозларнинг банка ортиқча қатнашининг олди олиниб, вақт ва маблағ тежалишига имкон яратди. Банкларда қўғозбозлик (қўғоз тўпланишининг) бартараф этилиб, фойдаланиш учун қулай электрон маълумотлар базаси яратилди. Энг асосийси, мижозларга тезкор ва сифатли хизмат кўрсатила бошланди.

Давоми-4

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Мамаризо Нурмуратов Андижон вилоятининг Шаҳрихон туманида тадбиркорлар билан очиқ мулоқот ўтказди.

Учрашув давомида тадбиркорларни қийнаётган муаммолар ўрганилиб, улар фаолиятини янада ривожлантириш учун банк тизими томонидан амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирлар хусусида фикр алмашилди.



ОЧИҚ МУЛОҚОТДА ТАДБИРКОРЛАР МУАММОЛАРИ ЎРГАНИЛДИ



Бугунги коронавирус пандемияси муносабати билан тадбиркорлик субъектларига кредит тўловлари бўйича берилаётган имтиёзлар, электрон тўлов тизимлари ва бошқа банк хизматларидан унумли фойдаланиш юзасидан тавсиялар берилди.

Самарали мулоқот орқали тадбиркорларнинг мамлакатимиз банк тизимига доир барча саволлари тингланиб, уларни қийнаётган масалалар жойида ҳал қилинди.

Марказий банк
Ахборот хизмати

"МИКРОКРЕДИТБАНК" ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФДА

"Микрокредитбанк" "Global banking & Finance Awards-2020" танловининг "Мижозларнинг банк хизматидан қониқиши ва мамнунлиги" (Customer Satisfaction & Happiness Awards)) номинациясида ғолиб бўлди.

Ушбу эътироф банк учун тараққий этиш ва янги марралар сари етаклайди.

Қайд этиш жоизик, жорий йил Ўзбекистоннинг 10 дан ортиқ ташкилот ва молиявий институтлари "Global banking"-нинг турли номинацияларида ғолибликни қўлга киритди.



"Global Banking & Finance Review" – бу онлайн ва босма журналларнинг етакчи нашрларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда ушбу журнал дунёнинг 200 мамлакатидан ўқилади.

Банк Ахборот хизмати

Коронавирус пандемияси натижасида бугун жаҳон иқтисодиётининг барча реал тармоқларида саноат, қишлоқ ҳўжалиги, савдо, қурилиш, транспорт, туризм ва бошқа хизмат кўрсатиш соҳаларида сезиларли даражада пасайиш ва ишсизлик кузатилмоқда.

ПАНДЕМИЯ ШАРОИТИДА ИҚТИСОДИЁТ: МУАММОЛАРНИНГ ЕЧИМИ БОРМИ?

Инсоният ўз тарихида жуда кўп фалокатларни бошидан кечирган, бир неча бор турли кўринишдаги инқирозлар рўй берган бўлса-да бунақа ҳолат кузатилмаган, деб таъкидланмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) ва Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) дунёни қамраб олган пандемиянинг чуқур ижтимоий ва иқтисодий оқибатлари кундан-кунга оғирлашиб бораётганлигини қайд этмоқда.

Олдинлари инқирозлар асосан иқтисодий бўлиб, маълум даражада ижтимоий ҳаётга ҳам салбий таъсир кўрсатган. Бугунги инқироз эса ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан баб-баравар баҳоланмоқда.

Давоми-5



ТАДБИРКОРЛАР ФАОЛИЯТИ ҲАР ТОМОНЛАМА Қўллаб-қувватланади



Жорий йилнинг 25 май куни Марказий банкда хусусий тижорат банклари раҳбарлари иштирокида пандемия шароитида тадбиркорлар ва аҳолини қўллаб-қувватлашни кучайтириш масалаларига бағишланган учрашув ўтказилди.

Тадбирда кредитлар тақдим этиш орқали фаолияти тўхтаб қолган тадбиркорларни қайта тиклаш, янги иш ўринларини яратиш, кичик бизнесни кенг қўллаб-қувватлаш ва бошқа долзарб масалалар атрофида таҳлил қилинди. Тижорат банклари республикаимиз туманлари ва Тошкент шаҳри бўйлаб тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирлар (ҳар бир корхонанинг ҳолатини

ўрганиш ва заруратга қараб кредит ажратиш)га алоҳида эътибор қаратишлари лозимлиги қайд этилди.

Банклар томонидан тақдим этиладиган кредит шартларини энгиллаштириш масалалари ҳам кўриб чиқилди. Онлайн-кредитларни тақлиф этиш учун мобил иловалар имкониятларини кенгайтириш, кредит олувчиларга замонавий ёндашув асосида хизмат кўрсатиш билан боғлиқ қулайликлар яратиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Банк тизимида замонавий ахборот технологиялари имкониятларидан кенг фойдаланиш ва шу орқали соҳага инновацион лойиҳаларни жорий этиш юзасидан тақлиф ва тавсиялар билдирилди.

– Банк тизимини ислох қилиш стратегиясида давлат улуши бўлган банкларни хусусийлаштириш кўзда тутилган. Хусусийлаштиришнинг зарурияти нималардан иборат, шу вақтгача шундоқ ҳам хусусий банкларнинг сони давлат банклари-ниқидан кўпроқ эди-ку?



САВОЛ-ЖАВОБ

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ЗАРУРАТИ

– Хусусий банклар сон жиҳатдан кўп бўлса ҳам, айна вақтда хусусий банкларнинг (давлат улуши иштирок этмаган) банк хизматлари бозоридаги улуши бор йўғи 15 фоизни ташкил этади.

Банк тизимида давлат улушининг юқори миқдорда сақлаб қолиниши ушбу тизимнинг умумий ривожланишига ҳамда самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади.

Давлат иштирокидаги банкларнинг халқаро молия институтлари кўмагида трансформация қилиниши ва хорижий стратегик инвесторларга сотилиши натижасида:

биринчидан, банкларда корпоратив бошқарув ва риск-мене-

жмент тизимлари такомиллашади, **иккинчидан**, банк тизими-га янги технологик ечимлар ва банк ишининг илғор хорижий тажрибаси кириб келади, банкларнинг бизнес-моделлари ўзгариб, уларнинг мижозларга йўналтирилганлик даражаси ошади.

Шу билан бирга, хусусий банклар сонининг кўпайиши банк тизимида рақобат муҳити кучайишига хизмат қилади.

Истиқболда хизматларнинг сифати яхшиланади, нархлари арзонлашади, маҳсулот ва хизматларнинг янги турлари пайдо бўлади, масофавий банк хизматлари кўламини кенгайтириб боради, аҳоли ва тадбиркорлар учун қулай шароитлар яратилади.

Марказий банк Ахборот хизмати

HUMO карталаридан контакtsiz тўловларни такси ҳайдовчилари, курьерлар ва хизмат кўрсатиш соҳасининг бошқа вакиллари қабул қилишлари мумкин. HUMO банк карталаридан тўловларни қабул қилиш учун энди терминал ўрнига NFC модулли телефонга эга бўлишнинг ўзи етарлидир.

Тўловларнинг янги технологияси

Миллий банклараро процессинг маркази (МБПМ) “Туронбанк” АТБ билан ҳамкорликда Tap to phone технологияси асосида One Touch янги маҳсулотини ишга туширди. Ушбу технология HUMO карталаридан маҳсулот ва ёки хизматлар учун тўловларни NFC модуль ишлатиладиган смартфонлар орқали қабул қилиш имконини беради.

– Биз банклар мижозларининг қулайлиги учун инновацияларни фаол киритаётганини кузатаёلمиз. Бу банк секторида рақобатнинг жадал ривожланиб бораётганидан далолат беради. Хусусан, Туронбанкнинг One Touch маҳсулотини тақдим этиш ташаббуси Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнесни юритишни анча содда-лаштириш ва нақд пулсиз транзакция бозорини бир неча маротаба ошириш имконини беради. Тад-



биркорлар контакtsiz тўловларни қабул қилиш тармоғини нафақат кенгайтирадилар балки ўз мижозлари базасини кўпайтира оладилар. Шу вақтнинг ўзида истеъмолчилар

янги тажрибага эга бўладилар ва аввал бунинг имкони бўлмаган жойларда контакtsiz ҳақ тўлаш орқали харидларини қиладилар.

Масалан, такси йўловчилари ўз карталарини ҳайдовчи телефонига бир марта теккизиш билан ҳақ тўлай оладилар, – дейди МБПМ директори Шухратбек Курбанов.

One Touch технологияси Android операцион тизими смартфонларда ишлайди ва тўлов учун фақат HUMOнинг контакtsiz карталарини қабул қилиш имконини беради. Бунинг учун сотувчи смартфон экранига тўловни киритиши, харидор эса ўз картасини сотувчи телефонига теккизиши керак, холос.

Humo.uz

АНДИЖОНДА ЯНГИ “БАНК ХИЗМАТЛАРИ МАРКАЗИ” ИШ БОШЛАДИ

Халқ банки Андижон вилояти Куйганёр филиали томонидан аҳолига банк хизматларини кўрсатиш сифатини ошириш ва мижозларга қулайликлар яратиш мақсадида Андижон тумани деҳқон бозори ҳудудида “Банк хизматлари маркази” ташкил қилинди.



Янгидан ташкил этилган марказда юридик ва жисмоний шахсларга кенг қўламли банк ва консалтинг хизматлари кўрсатилади. Хусусан, жисмоний шахслар учун микроқарз, овердрафт ва бошқа кредитларни расмийлаштириш, пластик карта очиб каби имкониятлар яратилган.

Янги очилган “Банк хизматлари маркази”да мижозларга интерактив мобил банк хизматлари кўрсатилади ва зарурий маслаҳатлар берилади. Ҳадемай замонавий банкоматлар ўрнатилиб, мижозларга дам олиш кунисиз банкомат хизматларидан фойдаланиш, комму-

нал, уяли алоқа операторлари, интернет ва бошқа хизматлар учун тўловларни амалга ошириш имконияти яратилади.

Мазкур марказ нафақат бозор ҳудудидаги тадбиркорларнинг, балки ҳудуд аҳолисининг ҳам турли банк хизматларига бўлган талабини қондиришга хизмат қилади.

Маълумот ўрнида айтиш лозим, жорий йил якунига қадар Андижон вилоятида Халқ банкининг банк хизматлари марказлари сони 10 тага етказилиши режалаштирилган.

Банк Ахборот хизмати.

БАНК КЎМАГИДА ЗАМОНАВИЙ ДИАГНОСТИКА МАРКАЗИ ҚАД РОСТЛАДИ

Бугунги соғлиқни сақлаш соҳасидаги изчил ислохотлар замирида аҳоли саломатлигини асраш, тиббий маданиятини ошириш ва соғлом турмуш тарзига амал қилишдек эзгу мақсад мужассам. Шу боис, юртимизнинг барча шаҳар ва энг чекка қишлоқларида кўп тармоқли поликлиникалар, шифохоналар, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган скрининг ва перинатал марказларига асос солинган халқаро талаблар даражасида аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш, тўсатдан ҳаётга хавф солувчи касалликларни ҳар томонлама даволашнинг замонавий усулларини амалиётга татбиқ этилмоқда.



Хусусан, Сурхондарё вилояти Денов тумани, "Ўрта қишлоқ" МФЙда жойлашган собиқ "Акушерлик комплексининг 3-бўлимининг бино ва иншоотлари ҳам ушбу яратилган шароитларнинг ёрқин намунаси. Бир неча йиллар давомида таъмирталаб бўлган мазкур муассаса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Сурхондарё вилояти соғлиқни сақлаш муассасаларида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ қайтадан ташкил этилиб, кардиология, неврология, физиотерапия, ультратовушли ташхислар, клиник ва биохимия лаборатория сингари қатор йўналишларга ихтисослашган "Surxon Med Future" масъулияти чекланган жамияти сифатида фаолият бошлади.

Кўп тармоқли хусусий тиббиёт клиникани энг сўнгги русумдаги ва замонавий асбоб – ускуналар билан таъминлаш ва жаҳон стан-

жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан тан олинган бўлиб, жарроҳлик, гинекологик операцияларни замонавий усулларда самарали амалга ошириш, кардиологияда реанимацион чораларни кўриш, фуқароларда юзага келиши мумкин бўлган ногиронликларнинг олдини олиш, ташхис куйишда учрайдиган қийинчиликларни бартараф этишда кўмаклашади.

– Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ўтган 2019 йилда амбулатор ва стационар шароитда эндокринология, кардиология, неврология-диагностика ва консерватив даволаш, гинекология, урология, абдоминал хирургия-диагности-



дартлари асосида жиҳозлаш мақсадида 500 млн. сўм миқдорида тадбиркорнинг ўз маблағи ва "Туронбанк" АТБ нинг 2 млрд. сўм ҳажмдаги кредити йўналтирилди. Унинг эвазига эса Словакия Республикасининг айна соҳадаги нуфузли "FLINT s.r.o." фирмасидан "Ультратовушли диагностика", "Электрокардиография", "Холтер тизими таҳлил", "Электрохирургик коагулятор" сингари ўндан ортиқ тиббий қурилмалар олиб келиниб ўрнатилди. Аҳамиятлиси, келтирилган технологиялар

ка, анестезиология-рианматология, физиотерапия, ультратовуш ташхислаш, клиник лаборатория тиббий хизмат учун лицензия берилди, – дейди корхона раҳбари Ҳамидулло Ходиев. – Шу кундан эътиборан биз Сурхондарё халқига юқори сифатли тиббий хизмат кўрсатишни бошладик. Бундан бир неча йиллар аввал қаровсиз бир маскан бўлган ушбу жой, бугун худуддаги энг йирик клиникалардан бирига айланди. Айни вақт бу ерда 50 та янги иш ўрни яратилди. Келгусида клиника фаолияти янада кенгайтирилиб, қўшимча равишда замонавий, янги неврология соҳасига ихтисослашган 20 ўринли бино қуриб ва ишчи сонини кўпайтириш ниятимиз бор.

Бир сўз билан айтганда, айни пайтда мамлакатимиз тижорат банкларининг ҳар соҳани молиявий қўллаб-қувватлаётгани уларнинг тез суръатларда ривожланишига туртки бераётир.



Серкўёш заминимизда етиштирилаётган мева-сабзавотларга жаҳон бозорига талаб катта эканлини ҳаммамиз биламиз. Одатда ушбу маҳсулотларни четга экспорт қилиш ҳақида гап кетганда баъзилар ички бозор нархи кўтарилиши мумкинлигидан хавфсираб қолади. Аммо ҳавотирга ўрин йўқ.



"АСАКА" БАНКИНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИХАЛАРИ

"Асака" банки мамлакатимиз воҳаси бўлмиш Хоразм вилоятида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини гидропоника усулида етиштирувчи иссиқхона мажмуасини молиялаштириди.

Лойиҳанинг жозибadorлиги шундаки, Greenhouse Company иссиқхона мажмуасида кўмир қозонлари ишлатилади, тежамкор сўғориш тизими – томчилатиб сўғориш йўлга қўйилади, тупроқни алмаштириш тизими, яъни кокос экстракти ётқизилади. Иссиқхона ўз метео станциясига эга бўлиб, ички иқлим сунъий интеллект ёрдамида бошқарилади. Бутун комплекс интернетга уланади ва бу дунёнинг исталган бур-

чагидан масофадан туриб тизимни бошқариш имкониятини беради.


"Асака" банки мазкур лойиҳани амалга ошириш учун 4 892 890 доллар миқдорида кредит ажратди.

12 гектар майдонни эгаллайдиган иссиқхона мажмуаси ишга тушгач, йилига 1 800 000 кг помидор, 250 000 кг қулпнай ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш йўлга қўйилади. Энг асосийси 150 га яқин янги иш ўринлари яратилади.

Яна бир гап, бу ерда етиштирилаётган сарҳил маҳсулотларнинг 50 фоизи экспортга йўналтирилса, 50 фоизи маҳаллий бозорга чиқарилади.

БАРЧА САЎЙ-ҲАРАКАТЛАР ИНСОН МАНФААТЛАРИ УЧУН

Дунё шиддат билан ривожлангани сайин инсонлар ҳаёт тарзини энгиллаштириш, яхшилашга хизмат қилувчи техникалар сони ва тури кенгайиб бормоқда. Бу борада маиший маҳсулотлар биринчи ўринни эгаллайди.



"Асака" банк ана шундай ишлаб чиқариш тармоқларидан бири – Тошкент вилоятидаги "KOMMET PRO" хусусий корхонасига 3 та лойиҳани амалга оширишда молиявий кўмаклашиб, деярли 17 миллиард сўм кредит ажратган. Бу ерда ошхона дудбўронлари, икки контурли газли иситиш котеллари, душ кабиначалари ишлаб чиқарилади.

Банқдан олинган кредит эвазига "KOMMET PRO" Италия, Туркия ва Хитойдан

келтирилган ускуналардан фойдаланиб, ишлаб чиқариш ҳажмини сезиларли даражада оширишга эришди. Хусусан икки контурли газли иситиш котели йилига 10 минг хонадонга етказиб берилмоқда. Ошхона дудбўрони, душ кабиначаларини эса чет давлатларга экспорт қилиш мўлжалланган.

4 та ишлаб чиқариш заводига эга, 140 дан зиёд одамни иш билан таъминлаган корхонанинг режалари катта.

ҚОНУНЧИЛИК ЯНГИЛИКЛАРИ

ТАДБИРКОРЛИККА
ЮЗ МИЛЛИОН ДОЛЛАР

“Ҳар бир оила – тадбиркор” дастурини молиялаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Президент қарори (ПҚ–4720-сон, 20.05.2020 й.) қабул қилинди.

– Қарорга мувофиқ, “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури доирасида Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан қўшимча равишда 100 миллион АҚШ доллари эквивалентидаги маблағлар куйидаги ваколатли банкларга ажратилади:

- “Агробанк” АТБга – 40 миллион АҚШ доллари эквивалентида;
- АТ Халқ банкига – 30 миллион АҚШ доллари эквивалентида;
- “Микрокредитбанк” АТБга – 30 миллион АҚШ доллари эквивалентида.

БИРЛАМЧИ БОЗОРДАН
УЙ СОТИБ ОЛГАНДА
ТЎЛАНДИГАН 5 ФОИЗЛИК
СТАВКА БЕКОР БЎЛДИ

“Давлат божи тўғрисида”ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” Қонун (ЎРҚ-619-сон, 20.05.2020 й.) Президент томонидан имзоланди.



– Киритилган ўзгартишларга кўра, Ўзбекистонда доимий яшовчи ва республиканинг бошқа минтақаларида доимий пропискага эга бўлган Ўзбекистон фуқаролари томонидан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида янги қурилган кўчмас мулк сотиб олинганда мол-мулкнинг олди-сотди шартномаларини тасдиқлаганлик учун шартнома суммасининг 5 фоизи миқдордаги давлат божининг алоҳида ставкаси чиқариб ташланди.

РЕСПУБЛИКАНИНГ
ҲАР БИР ҲУДУДИДА ЁШЛАР
ТЕХНОПАРКЛАРИ ТАШКИЛ
ЭТИЛАДИ

“Республика ҳудудларида Ёшлар технопаркларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” Ҳукумат қарори (313-сон, 22.05.2020 й.) қабул қилинди.

– Қарорга мувофиқ, республиканинг ҳар бир ҳудудидида босқичма-босқич Ёшлар технопаркларини ташкил этилади.

– Ҳудудларда ёшларнинг интеллектуал, илмий, ижодий салоҳиятини ошириш технопарклар фаолиятининг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланди.

– Технопарклар Инновацион ривожланиш вазирлиги муассислигидаги ҳамда маъсулияти чекланган жамият шаклидаги юридик шахс ҳисобланади.

– Технопарклар фаолияти вазирлик ҳузуридаги Ёшлар академияси томонидан мувофиқлаштирилади.

– Технопарклар бино ва иншоотларини қуриш, қайта таъмирлаш ва уларнинг

моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, шунингдек, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш харажатлари Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан амалга оширилади.

– Технопарк директори тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ҳокимларининг тавсиясига асосан инновацион ривожланиш вазири томонидан лавозимга тайинланади.

– Қарор билан 2020-2023 йилларда республика ҳудудларида Ёшлар технопаркларини босқичма-босқич ташкил этиш режа-жадвали тасдиқланди.

МАСОФАВИЙ ХИЗМАТЛАР
ҲАЖМИНИ КЕСКИН ОШИРИШ ЛОЗИМ

1-бошланиши

Мақсуд дастурдан фойдаланишнинг яна бир афзаллиги шундаки, ундан фойдаланиш орқали банк миқдорларида молиявий саводхонлик ва компьютер технологияларидан унумли фойдаланиш имкониятлари ошиб боради. Албатта, дастурдан фойдаланишда миқоздан компьютер қурилмасининг мавжудлиги, интернет тармоғига уланиш имконияти ва дастурдан фойдаланиш кўникмалари талаб этилади. Демак, масофавий банк хизматларининг ривожланиши бевосита мамлакатимизда сифатли, тезкор ва арзон интернет тармоғининг мавжудлиги билан ҳам узвий боғлиқдир.

Шунингдек, сўнгги йилларда Республикада тижорат банкларининг ўз мобил иловаларини жорий этишлари жисмоний шахслар учун ҳам кўпгина қулайликлар яратди, улар исталган жой ва вақтда барча тўловларни амалга оширишлари мумкин бўлди. Хусусан, ушбу иловаларда хорижий валютани сотиш ва сотиб олиш хизматлари, яъни конверсион операциялар ҳам жорий этилган. Бу эса ҳозирда Республикада ва қолаверса бутун дунёда пандемия туфайли бўлиб турган карантин шароитида, айниқса қулайдир.

Бундан ташқари нақдсиз хорижий валюталар халқимизда электрон пуллар билан ишлаш бўйича молиявий саводхонлиқнинг ошишига олиб келади.

Албатта, юқориди келтириб ўтилган тижорат банкларининг “банк-миқоз” дастури ва мобил иловаларидан фойдаланиш нафақат бугунги карантин шароитларида халқимиз саломатлиги ва хавфсизлигини таъминлайди, балки келажақда уларнинг такомилла-

шиб бориши рақамли иқтисодиётимизнинг ривожига улкан ҳисса қўшади.

Бугунги кунда COVID-19 пандемияси рақамли иқтисодиёт, айниқса, масофадан онлайн молиявий хизматлар кўрсатишни ривожлантиришни тақозо этиб, ушбу жараёни тезлаштирмоқда.

Бу жараёнда тижорат банклари ҳозирги инқироз пайтда масофавий хизматлар ҳажмини кескин оширишлари лозим бўлаётди. Бу ерда тижорат банклари мобил иловалари ва платформалари оддий, ҳар қандай одам тез тушунадиган ва фойдалана оладиган бўлиши керак. Шу билан бирга тижорат банклари аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун тақдим этаётган масофавий банк хизматлари ҳақида ва улардан фойдаланиш йўриқномаси сифатидаги содда ва тушунарли тилдаги видео роликларни ўз сайтларида жойлаштириб боришлари зарур. Бу эса аҳолининг молиявий саводхонлигининг ошишига хизмат қилади.

Шунингдек, тижорат банклариди конверсион операцияларнинг янада такомиллаштирилиши нафақат Республикада аҳолиси учун қулайликлар яратди, балки Ўзбекистон жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув жараёнида валюта муносабатларини янада ривожлантириш, тижорат банклари ва бошқа молия муассасаларининг халқаро валюта бозоридида иштирокини кенгайтириш, миллий валюта бозорини барқарорлигини таъминлаш, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини оширишда муҳим ҳисобланади.

Тожилмалик ҚОДИРИЙ
Ўзбекистон Республикаси Банк-молия
Академияси тингловчиси

XXI аср – рақамли технологиялар асри демақдир. Ҳозирда ҳаётимизни уяли телефон, интернет, компьютерларсиз тасаввур этиш қийин. Ҳатто пандемия шароитида ҳам бу каби маҳсулотларга талаб камайгани йўқ. Бугунги кунга келиб, мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларини ишлаб чиқаришни янада қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини бермоқда.

XXI АСР – РАҚАМЛИ
ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСРИ

Яна бир қувонарли жиҳати шундаки, эндиликда юртимизда ишлаб чиқарилган бу каби маҳсулотлар ички истеъмолда фойдаланилиши билан бир қаторда экспортга ҳам йўналтирилмоқда.

Масалан, “Навоий” эркин иқтисодий зонаси ҳудудидида жойлашган “Telecom Devices

Pro” МЧЖ томонидан мобил телефонлар, модемлар, электрон соатлар ва ТВ-қабул қилувчи қурилмалар ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилган. Бунинг натижасида 50 тадан зиёд доимий иш ўринлари яратилган бўлиб, ҳозирда ҳам ишчилар карантин қоидаларига тўлиқ риоя

этган ҳолда меҳнат қилишмоқда.

Корхонада йилига 142 мингдан ортиқ маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Жорий йилнинг ўтган даврида эса қиймати 40,5 минг АҚШ долларига тенг бўлган уяли алоқа воситалари ҳамда электрон соатлар қўшни давлатларга экспорт қилинди. Май ойида эса яна 56 минг АҚШ долларига тенг маҳсулотлар экспорт қилиниши режалаштирилган.

Ўз навбатида корхонага жорий йил давомида импорт қилинган хомашё ва бутловчи буюмларга нисбатан 300 млн. сўмдан ортиқ яқин божхона тўловлари бўйича имтиёзлар қўлланилган. Имтиёз қўлланилиши натижасида тежалган маблағ эса ишлаб чиқариш фаолиятини янада кенгайтириш, янги иш ўринларини яратишга сарфланмоқда.

Албатта, бу каби корхоналар фаолияти мамлакатимиз иқтисодиётининг тараққиёти ҳамда IT соҳаси ривожини учун муҳим аҳамият касб этади.

Навоий вилояти
божхона бошқармаси
Ахборот хизмати

1-бошланиш

ЖССТ раҳбари Тедрос Адан Гебреисус Женевадаги ташкилотнинг бош қароргоҳида бўлиб ўтган кундалик брифингда карантин чоралари шошилиш равишида олиб ташланмаса, бу глобал иқтисодий секинлашувга олиб келиши мумкинлигидан огоҳлантирди.

Халқаро экспертларнинг фикрича жаҳон савдо айланмаси 20 фоизга камайди, 40 миллиондан ортиқ киши ишсиз қолиши эҳтимоли мавжуд. Европа иттифоқи давлатларида 2020 йилнинг бошида ишсизлик даражаси ўртача 6,2 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич Испания, Италия, Франция, Греция каби давлатларда ўртача 12 фоиздан ошиши кутилмоқда. Жорий йилнинг май ойида ишсизлик даражаси АҚШда ҳам мисли кўрилмаган даражада ошгани айтилмоқда.

Халқаро валюта жамғармасининг жорий йил биринчи ярмида базавий прогнозларига кўра, 2020 йилда жаҳон иқтисодиёти 3 фоизга қисқариши кутилмоқда. Иқтисодий пасайиш ривожланган давлатларда 6,1 фоизни (шу жумладан, АҚШда 5,9 фоиз, Еврохудуд мамлакатларида 7,5 фоиз), ривожланмаган мамлакатларда 1 фоизни, шунингдек, Россияда 5,5 фоизни ва Қозғистонда 2,5 фоизни ташкил этиши мумкин.

Жаҳонда содир бўлаётган бундай вазият Ўзбекистонга ҳам ўз таъсирини ўтказиб турибди. Жорий йил биринчи чорагида мамлакатимиздаги иқтисодий ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврга нисбатан 1,6 фоизга пасайиши кузатилган. Бундан ташқари, инвестициялар ўзлаштириш ҳажми ҳам сезиларли қисқарган. Бу ҳақда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан Ўзбекистон иқтисодиётининг жорий ҳолати ва кутилаётган тенденциялар бўйича маълумотида қайд этилди. 2020 йилнинг иккинчи чорагида эса иқтисодий ўсиш суръати 4,1 фоизни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос давридаги кўрсаткичига (5,7 фоиз) нисбатан 1,6 фоиз камайиши кузатилган.

Ушбу ҳолатлар мамлакатимизда ҳам бир қанча муаммоларни келтириб чиқармоқда ва мавжуд айрим муаммоларни янада кучайтирмоқда. Шу сабабли давлатимиз томонидан карантин шароитида ишлаш, айнқисса, ишсизлик ва озиқ-овқат хавфсизлиги билан боғлиқ муаммоларни бартараф этишга жиддий эътибор қаратишмоқда.

Ўзбекистонда пандемия шароитида вужудга келган умумий муаммоларни ҳал қилишнинг ўзига хос йўллари ишлаб чиқилди. Давлат раҳбари ва ҳукумат томонидан бир қатор муҳим фармон ва қарорлар қабул қилинди. Шу асосида молия вазирлиги ҳузурида Инфирога қарши курашиш жамғармаси ташкил этилди. Иқтисодиётда банд бўлган жисмоний ва уйлиқ шахсларга солиқ тўлаш муддати кечиктирилди, айрим субъектлар эса жорий йил охиригача солиқ

тўловидан озод этилди. Тадбиркорлик субъектлари ва корхоналарга қатор имтиёзлар тақдим этилди, айрим қарздорликлар кечиктирилди, дебиторлик қарздорлик учун жарима қўллаш тўхтатилди, аудиторлик текширишлар йил охиригача бекор қилинди, коронавирус пандемияси туфайли кўрилган талафотларни камайтириш бўйича яна бошқа



бир қатор энгилликлар берилди. Мамлакатимиз ЯИМни яратишда хизмат кўрсатиш соҳасининг ўрни ва роли сезиларли даражада бўлиб, қарийб унинг ярмини ташкил қиларди. Ҳозирги кунда хизматлар соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ўртача 35 фоиздан юқори бўлса-да фаолияти чекланган хизмат турларининг ушбу кўрсаткичдаги улуши 10 фоизни ҳам ташкил этмайди. Хизмат кўрсатишнинг пасайиши талабнинг тақлифга нисбатан юқорилигини таъминлайди, бу эса нархлар мувозанатида ҳам салбий таъсир ўтказиши мумкин. Иқтисодий пасайиш ҳолатининг давомий бўлиши ишсизлик муаммосининг янада кучайишига олиб келиши, унинг даражасини оширади ва аҳолининг тўлов қобилияти кескин тушиб кетишига сабаб бўлади.

Ишсизлик муаммоси Ўзбекистонда ҳам бошқа давлатлар қатори асосий муаммолардан бири ҳисобланади. Ушбу муаммо нималар эвазига пайдо бўлди? Биринчидан, жуда кўп корхоналар фаолиятини тўхтатди. Иккинчидан, ташқарида ишлаб юрган юртдошларимиз қайтиб келди ва уларнинг яна орқага қайтиб кетишига имконияти чекланган.

Учинчидан, ҳар йили минглаб меҳнатга қобилиятли аҳоли етишиб чиқади. Буларнинг ҳаммасига янги иш ўрни керак бўлади.

Мамлакатимизда фаолият кўрсатиб турган ходимларнинг ишсиз бўлиб қолиши жараёни асосан хизмат кўрсатиш соҳаларида намоён бўла бошлади, яъни хизмат кўрсатиш соҳалари — авиация, темир йўл, туризм, меҳмонхоналар тармоғи, оқиқатланиш ва бошқалар фаолияти деярли тўхтаб қолди.

Ўзбекистонлик меҳнат муҳожириларнинг 3 миллионга яқини Россия ва Қозғистонда фаолият юритиши, ушбу давлатларда ҳам ҳозирги вақтда пандемиянинг таъсири туфайли ишсизликнинг юзага келиши натижасида уларнинг маълум қисми ватанимизда эканлиги, чегараларнинг ёпилиши илчи кучи миграциясининг тўхташига олиб келди ва

ПАНДЕМИЯ ШАРОИТИДА ИҚТИСОДИЁТ: МУАММОЛАРНИНГ ЕЧИМИ БОРМИ?

иқтисодий жараёнларга янада салбий таъсир кўрсатади. Қолаверса, айнқи пайтда юртимизда 12-15 фоиз ёки 4-5 миллион аҳоли камбағаллик даражасида яшаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Буларнинг

Ўзбекистон қандай йўл тутиши керак, ушбу муаммоларни ҳал этиш учун нима қилиш лозим ва яна нима ишларни амалга ошириш мумкин, деган саволлар кўндаланг бўлиб турибди.

Ишсизлик ва озиқ-овқат хавфсизлиги билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш йўлларидан бири — томорқадан самарали фойдаланиш билан боғлиқ. Бугунги кунда ҳукумат томонидан томорқада янги лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат бюджетидан 350 миллиард сўм ажратилди.

Мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳажмининг 2 баробар ошириши, қорамол боқиш бўйича оилавий кооперация фаолиятини йўлга қўйиш, ҳар бир оилани парранда боққан даври учун 500 минг сўмдан рағбатлантириш каби амалий чора-тадбирлар кўришмоқда.

Албатта, бутун мамлакат аҳолисининг ҳаёти уйда кечаётган бир пайтда тўқ яшашнинг муҳим омиллардан бири қишлоқ жойларида томорқа ва қишлоқ хўжалигидан фойда олишдан бошқа яна нима бўлиши мумкин? Россия, Қозғистон ва бошқа давлатлардан келган меҳнат муҳожириларимизнинг асосий қисми қишлоқ жойлари истикомат қилади. Давлатлар ўртасидаги чегараларнинг ёпиқлиги, халқаро илчи кучи миграциясининг вақтинчалик инобатга олинганлигини ҳисобга олиб, томорқадан унумли фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш жараёнида вақтинчалик ишсиз ҳисобланган меҳнат муҳожирилар ҳам фаол қатнашса мақсадга мувофиқ бўлади.

Президентимиз 2020 йил 8 апрелда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, томорқачиликни ривожлантириш масалалари бўйича, 14 апрель кuni эса ушбу масалани янада чуқурлаштириш ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмининг янада оширишига қаратилган видеоселектор йиғилиши ўтказиб, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳаси вакиллари учун ушбу илчи куч катта сивов бўлиши билан бирга, кенг имкониятлар даври эканлигини қайд этди. Бу борада кечиктириб бўлмайдиган чораларни кўриш йўллари ҳам кўрсатиб берилди. Чунки озиқ-овқатта бўлган эҳтиёжнинг 80 фоиздан ортиқроғи айнан қишлоқ хўжалиғи орқали қондирилади.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги мамлакатимизда аҳолининг даромадларини ошириш, бандлигини таъминлаш, озиқ-овқат хавфсизлигини тўлиқ бартараф қилиш билан бирга, мева ва сабзавотларни хорижий мамлакатларга экспорт қилишдек катта имкониятларга ҳам эга. Чунки соҳа ходимларининг ўз кучларини тўлиқ сафарбар қилиб ишлаш, иш натижаси бўйича маблағдорликка эга бўлиши учун имконият яратилган.

Мазкур видеоселекторларда ва вазиятни юмшатиш бўйича қабул қилинаётган фармон ва қарорларда аҳоли, айнқисса қишлоқ хўжалик ходимлари олдида бир қанча устувор вазифалар қўйилди. Булар нималардан иборат?

Биринчидан, мамлакатимизда мавжуд сўғориладиган ва экин экиладиган ерлардан унумли фойдаланиш лозим. Ҳар бир қарич ердан имкон қадар уч марта, бўлмаса икки марта ҳосил олиш чораларини кўришига тўғри келмоқда.

Иккинчидан, ҳар бир ҳудудга мос экинларни экиш, янги ҳосилдор навларни етиштириш, имконияти бор жойларда замонавий инновацион технологияларга асосланган иссиқхоналарни қўпайтириш, томорқадан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратиш. Бу борадаги ишларни бутун мамлакат бўйлаб омдаллаштириш зарур.

Учинчидан, ҳосилдор ва сермахсул чорва молларини қўпайтириш, хориждан келтирилган, мамлакатимизда мослаштирилган чорва молларини барча ҳудудларда тарқатиб, маҳсулдорликни кўтаришига эришиш. Тўртинчидан, янги ерларни ўзлаштириш, уруччиликни ривожлантириш, четдан олиб келинаётган уруғларни ўзимизда етиштириш ва минерал ўғитларини шуларга мос ҳолда ишлаб чиқариш.

Бешинчидан, мамлакатимизга импорт қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, айнқисса галла ва бошқа маҳсулотлар ўрнини қоплаш билан бирга, уларнинг ўрнига мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш. Олтинчидан, чорва молларига озуқа, қишлоқ хўжалик экинларига минерал ўғит тайёрлаш масаласига алоҳида аҳамият қаратиш.

Еттинчидан, аҳоли уй шароитида банд қилиш мақсадида чорвачилик, парандачилик, балиқчилик, ипакчилик, асаларчилик, касаначиликини ривожлантириш.

Сақизинчидан, барча тадбирларни молиялаштириш, имкон қадар тадбиркорларнинг ўз маблағлари ҳисобидан, етишмаган жойларда тижорат банклари маблағларидан самарали фойдаланиш механизмининг янада такомиллаштириш.

Шу ва бошқа чоралар давлатимиз ва халқимизнинг бугунги пандемия давридан кам талафот билан, иқтисодий ва ижтимоий муаммолар қўпайиб кетишининг олдини олган ҳолда чиқишига ёрдам беради.

Мамаюнус ПАРДАЕВ,
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори,
иқтисод фанлари доктори

Алишер ЭШТАЕВ,
Самарқанд давлат университети проректори, иқтисод фанлари доктори, доцент

Сугуртанинг кўп асрлик тажрибаси унинг иқтисодиётга ижобий таъсир кўрсатадиган кучли омил эканлигини ишончли тарзда исботлади. Сугурта сармоявий потенциални оширади ва миллат фаровонлигини оширишга имкон беради. Маркетингдан кенгроқ фойдаланиш яқин келажакда ўзбек сугуртасини ривожлантириш учун энг истиқболли йўналишлардан бири ҳисобланади.

СУҒУРТА БОЗОРМИЗГА МАРКЕТИНГНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСЛУБЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ВАҚТИ ЕТДИ

Сугурта маркетинг мустақил йўналиш сифатида ўтган асрнинг 70-йиллари бошларида иқтисодий ривожланган мамлакатларда пайдо бўлди. Бизда бу ҳодиса ҳозиргача кам ўрганилган. Сугурта маркетингининг имкониятлари жуда катта.

Ўзбекистондаги сугурта маркетинги тартиб-таомиллари кенг ривожланишига ўтмаган ва маркетинг соҳасида тажриба йўқ. Шунинг ҳам ёдда тутиш керакки, Ғарбда қабул қилинган сугурта маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва маркетингини ташкил этишда маркетинг ёндашуви биздаги шароитга мос келмайди. Афсуски, мамлакатимизда замонавий хорижий сугурталовчилар тажрибасидан, уни ўзбек воқелигининг ўзига хос хусусиятларига мослаштирмасдан тўлиқ фойдалана оладиган сугурта компаниялари мавжуд эмас. Шу муносабат билан, Ўзбекистон сугурталовчиларига биринчи навбатда халқаро маркетинг тажрибасини мослаштириш ва жорий қилиш бўйича амалий тавсиялар керак.

Сугурта маҳсулотларини сотиш моделлари тўғридан-тўғри ва билвосита бўлиши мумкин.

Тўғридан-тўғри сотиш билан мижоз ҳақиқий сугурта полисини олади, билвосита сотишда эса сугурта асосий маҳсулотга - автомобилга, уйга, уяли телефонга, пластик банкка ёки клуб картасига ва бошқаларга қўшимча бўлади. Тўғридан-тўғри сотиш корхоналарнинг сугурта бозорига нисбатан энг самарали ҳисобланади. Аҳоли сугуртаси бозорида билвосита савдо тизимларидан фойдаланиш афзалроқдир ва тўғридан-тўғри сотувлар юқори талабга эга бўлган оммавий стандартлаштирилган маҳсулотларни сотиш учун энг мос келади - масалан, автомобилларни мажбурий сугурталаш. Ҳозирги вақтда мамлакатимизда тўғридан-тўғри маркетинг каналлари кенг ривожланган, аммо билвосита каналлар ҳақида гап кетганда, фақат баъзи сугурта компаниялари билвосита тарқатиш каналлари билан фойдаланишади.

Жаҳон амалиётида сугурта маҳсулотларини тўғридан-тўғри тарқатишнинг бир неча турлари маълум:

1. Мустақил ихтисослашган сугурта воситачилари орқали;
2. Тўғридан-тўғри сугурта қилувчининг офисда;
3. Сугурта қилувчининг доимий ишлайдиган ва штатдан ташқари ишлайдиган ходимлари (агентлари) вакиллари орқали;
4. Телефон, почта ёки компьютер тармоғи орқали.

Сугурта маркетингининг бошқа турлари: 1) Партия савдоси - сугуртага нисбатан нотўғри қарашларни бартараф этишнинг энг яхши усули. Истеъмолчилар хулқ-атворининг ўзига хос хусусиятлари бу сугурта бозорига ишончсизлик ва корхоналар ва аҳолида сугурта зарурияти тўғрисида етарли даражада хабардор эмаслиқдир.

Сугурталовчи билан мулоқотда мижоз ҳар қандай салбий воқеалар (ўлим, касаллик, бахтсиз ҳодиса, ёнгин ва бошқалар) ҳақида уйлашни истамаган ҳолда дуч келади.

Ҳозир тўланадиган сугурта мукофотининг ўрнига сугурталовчи келажакда ҳар қандай салбий воқеалар юз берганда фақат пул компенсациясини таклиф қилади. Табиийки, ушбу ёндашув билан мижоз салбий бирлашишга эга, чунки у сугурта қилинган буюмларнинг асл ҳолатига қайтарилишидан манфаатдор.



2) Интернет-тижорат. Интернет-дўкнларнинг яратилиши жуда истиқболли йўналишдир, аммо фикримизча, уларнинг фаолияти сугурта қилиш учун электрон ариза (сўровнома) олиш билан чекланмаслиги керак. Сугурта хизматларининг ҳар қандай савдоси ўзаро таъсир деб аталади, бу сотувчи ва харидор ўртасидаги фаол муносабатни англатади. Интернет орқали интерфаол алоқалар, икки томонлама маълумот алмашишни ўз ичига олади, шунинг учун онлайн-дўкнларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан сугурталangan шахс сугурталовчидан маълумот олишига боғлиқ.

Бугунги кунда, Ўзбекистон Республикасида сугурта ички бизнеснинг энг жадал ривожланаётган соҳаларидан бири бўлиб, бозордаги сугурта операциялари ҳажми доимий равишда ўсиб бормоқда ва сугурта компаниялари республика иқтисодиётида тобора муҳим ўрин тутмоқда.

Ички сугурта бозорида сугурталовчилар ўртасидаги рақобат асосан, бозорнинг мулк сегментида ривожланмоқда (умумий сугуртанинг 7, 8 ва 9-класслари). Шахсий сугурта ва жавобгарлик сугуртаси (умумий сугуртанинг 1, 2, 3, 7, 10-класслари) сегментларида кам рақобат мавжуд.

Онлайн сугуртани жорий этишнинг долзарблиги янги технологиялардан фойдаланган ҳолда хизмат кўрсатиш тизимини ривожлантириш зарурати ва сугурта бозори профессионал иштирокчиларига қулайлиги учун ҳам зарур.

Агар биз Ўзбекистондаги онлайн сугурта бозорини таҳлил қилсак, айтиш

мумкинки, сўнгги йилларда онлайн тўловларнинг сезиларли ўсиши кузатилади. Аммо барча компаниялар онлайн сугуртанинг тўлиқ тушунчасини кенг қўллашмайди. Деярли ҳар бир компаниянинг расмий веб-сайти, баъзиларининг ижтимоий тармоқларда расмий саҳифалари ҳам бор, шу билан бирга, ушбу компанияларнинг яримдан озроғи онлайн хизматни тақдим этадилар.

Ўзбекистоннинг сугурта бозорини ва компанияларда сугурта маркетингининг замонавий усулларини жорий этиш муаммоларини таҳлил қилар эканмиз, сугурта компаниялари учун бир нечта тавсияларга тўхталмоқчимиз:

– мамлакат менталитетининг ўзига хос хусусиятларини ва аҳолининг молиявий имкониятларини ҳисобга оладиган мос маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш;

– сугурта хизматларини сотиш бўйича хорижий тажрибани ўрганиш ва уни Ўзбекистон сугурта бозорида жорий этиш;

– рақамли маркетингга катта эътибор бериш керак, чунки бу ривожланган мамлакатларда қўлланиладиган энг замонавий маркетинг усулларидан биридир;

“ЎЗАГРОСУҒУРТА” БУХОРОЛИК ТАДБИРКОРГА ҚАРИЙБ 1 МЛРД. СЎМ ТЎЛАДИ

Тадбиркор тадбирли бўлиши керак, дейди доно халқимиз. Бу ибора замирида ҳар ким ўз касб-кори, ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш фаолияти тўхтаб қолмаслигини аввалдан таъминлаши лозимлиги назарда тузилади. Яъни турли қутилмаган ҳолатларга тайёр туриш барқарорликнинг бирдан-бир калитидир.

Қорақўллик Замира Нозимова-нинг фермер хўжалиги кучли шамол оқибатида авария ҳолатига келиб қолди. Бироқ унинг сугурта қилганлиги туфайли табиий офатдан қўрилган зарар қопланадиган бўлди.

Нохуш ҳодиса одамларнинг томорқасини пайҳон қилди. Қўллаб турар-жой бинолари, иморат ва иншоотларга пугур етди. Ўз вақтида босилган тўғри қадам, бугун тадбиркорнинг жўғри оро кирмоқда.

Бизнес сир-синаотини пухта эгалаган тадбиркор Корея технологияси асосида ишлаб чиқариш самодорлигини ошириш устида изланади. Шу мақсадда катта сармоя киритилган замонавий иссиқхонанинг молиявий барқарорлигини кафолатлаш ҳамда турли ҳатарлардан ҳимоялашни кўзлаб, гаровга қўйилган мол-мулк сугуртаси бўйича шартнома тузади.

Ушбу иссиқхона биноси “Ўзгросугурта” АЖ Бухоро филиали томонидан жавобгарлик олинган бўлиб, у гаровга қўйилган мулк сифатида сугурталangan эди.

Мулкга етказилган зарар ҳажми “Бизнесни баҳолаш ва эксперт-консалт” масъулияти чекланган жамияти томонидан мустақил баҳоланди. Даъво иши доирасида тақдим қилинган ҳужжатлардан келиб чиқиб, аниқланган сугурта товони тўлаб берилди.

Умуман, Бухородаги табиий офат бўйича “Ўзгросугурта” АЖ томонидан вилоятнинг қишлоқ хўжалиги ва тадбиркорлик субъектлари билан содир бўлган сугурта ҳодисалари ўзасидан тўланган тўлов 2,7 миллиард сўмни ташкил қилади. Яна бир нечта сугурта ҳодисалари бўйича ўрганиш ишлари давом этмоқда.

Таъкидлаш жоизки, бугун Ўзбекистонда коронавирус пандемияси даврида иқтисодий ўсиш ва инвестициявий фаолликни рағбатлантириш, ишлаб чиқариш суръатларини тиклаш, аҳоли бандлигини ошириш, даромадларини кўпайтириш ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида қатор зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

“Ўзгросугурта” компанияси томонидан тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга, уларнинг бизнеслари тўхтаб қолмаслиги ва молиявий ҳолати тезроқ тикланиши учун аниқланган зарарлар қисқа муددатларда қопланишига эътибор қаратилмоқда.

Назokat АХУНДЖАНОВА
Банк-молия академиясининг
Сугурта компанияларини бошқариш
мутахассислиги тингловчиси

“Ўзгросугурта” АЖ
Ахборот хизмати

Швеция нақд пулсиз иқтисодиётни куришга бел боғлаганга ўхшайди. Бундан ҳаммага фойда борми?



НАҚД ПУЛСИЗ ҲАЁТ...

1661 йилда Швеция Европада илк бор қоғозли пуллари муомалага киритган мамлакат ҳисобланади. 2021 йилда эса бу давлатда махсус рақамли валюта – е-крона жорий этилиши кўзда тутилган бўлса, 2023 йилда Швеция жаҳон бўйича нақд пулдан бутунлай воз кечиладиган мамлакатга айланиши kutilmoqda.

Деярли 20 йил илгари Economist нашрида башорат қилинганидек, кўча гадолари телефонига рақамли садақа қабул қилишни бошлаган заҳотиёқ нақд пуллари умири тугайди. Бироқ нақд пулсиз тўловлар учун зарур кенг тармоқли инфратузилма яратилгани нақд пуллاردан бутунлай воз кечилишини аналитиклар айтмади.

Бугунги кунда Швециянинг 80 фоиздан ортиқ чакана транзакцион амалиётлари рақамли шаклда юрилади. Шунга ўхшаш ҳолатлар Шимолий Европа мамлакатлари – Финландия, Норвегия, Дания ва Исландияда кузатилади. Швецияликлар нақд пулсиз яшаш тарзини тезроқ ўзлаштириётгани Германия ва Швейцария, шунингдек Европанинг жанубий мамлакатларига ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмайди.

Швециядаги айрим тамаддихоналарда нақд пул қабул қилинмаслигига ишора қилувчи ёзувлар осиб қўйилган. Ҳатто болалар музқаймоқ ёки ширинлик харид қилаётганида деярли нақд пулдан фойдаланмайпти. Бундан ташқари, швед банклари идораларида нақд пул йўқлигига оид эълонларни кўриш мумкин бўлса, бу ерга нақд пул билан келганларга галати қараб қўйиши, ҳатто полицияни чақиришга чора боришлари мумкин.

Иқтисодчиларнинг фикрига кўра, мавжуд жами нақд 80 миллиард Швеция кронининг тахминан ярми фаол муомалада. Қолган пуллари эки банкдаги ҳисобрақамларда ёки хуфта иқтисодиётда ишлатилимоқда.

Швеция банклари 2000 йиллар ўрталарида қатор ўғирликлар кўпайгани боис хавфсизлигини таъминлаш мақсадида нақд пул маблағларини бирмунча камайтирган эди. Хусусан, 2008 йилда 210 банкларда пуллари ўмарилган бўлса, 2017 йилда уларнинг сони атиги 2 тани ташкил этган эди. Сўнгги йилларда банклар қоғоз пуллари демонтаж қилаётган бўлиб, уларга хизмат кўрса-

тиш ўзларига нисбатан қиммат тушиб бормоқда.

Бироқ аъёновий банк пластик карталари ҳам шведлар учун ўтмишга айланиб бормоқда. Мамлакат аҳолисининг ярмидан кўпи ва 30 ёшгача бўлган швейцарияликларнинг 90 фоизи тез фурсатда пуллари ўтказадиган Swish мобил иловасидан фойдаланимоқда. Шведлар учун нақд пуллар борган сари ноқулай ва хавфли бўлиб бормоқда. Хусусан, уларни қайта санаб чиқиш, кам манfaatли қиймат бўйича айирбошлаш ва катта ҳажмдаги фойзаларда банккомат орқали ечиб олиш шулар жумласидандир. Шуниси маълумки, қоғоз пул ва тангалар билан боғлиқ амалиётлар жаҳон ЯИМ кўрсаткичининг тахминан 0,5–1 фоизини ташкил этади.

Бироқ барча шведлар ҳам нақд пулсиз тўловлардан хурсанд эмас. Сўнгги 6 йил давомида Kontanttrygget номи билан иш юритувчи гуруҳ Швеция банкларини нақд пуллардан биргаликда воз кечишни уюштиришда айбалаб келмоқда. Гуруҳни миллий полициянинг солиқ раҳбари Бьер Эрикссон бошқариб, нақд пуллари йўқлиги қолиши демократия учун жиддий таҳдид уйғотиб, хусусий ҳаёт ва шахс эркинлиги дахлсизлигига путур етказмоқда. У шунингдек, Швециядаги хусусий кўриқлаш компаниялари уюшмасини бошқариб келаётган бўлиб, мазкур ташкилот аъзолари ҳам нақд пуллари йўқлигини оқибатида ишсиз қолиши мумкин.

Хавотирларини бошқалар ҳам билдириб ўтмоқда. Пенсиякерлар гуруҳи ва ноғиронларни ҳимоя қилувчилар улар орасида рақамли хизматларга қарши бўлганлар ҳам талайгина эканлигини таъкидламоқда. Хусусан, пенсионерларнинг Миллий ташкилотга ўн хайрия маблағларини жамғараётган саховатли инсонлар узоқ машаққатлар билан бу пуллари банклар ҳисобрақамларига ўтказмоқда.

Шунга қарамай, Швеция бошқа мамлакатларга нисбатан тезроқ рақамли жамиятга айланади, зеро бу давлат рақамли технологиялар соҳасида етакчи ўринни эгаллаб келмоқда. Швейцариялик эса гарчи нақд пулсиз келажакка бутунлай розилик билдирмасда, ўз давлатларидаги банкларга ишонмоқда.

Сергей КИРИК

Интернет материаллари асосида

Бугунги пандемия шароитида Ўзбекистон учун айрим тажрибаларни синовдан ўтказиш, доим муаммолар масалалар мундарижасининг етакчи ўринларида бўлган IT ва дастурий таъминотлар соҳаси камчиликларини тўлақонли аниқлаш, оғриқли нуқталарни белгилаш ва энг асосийси “инновация, инновацион” деган сўзни ҳада-беҳуда эмас, балки ўз ўрнида, ижроси билан ишлашга ўргатмоқда.



COVID-19 ЎЗБЕКИСТОН УЧУН РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯГА ЧАҚИРУВ(МИ?)

Айниқса, яшаб қолиш учун тизимларни тезроқ рақамлаштириш керак эканлигини исботлаштири.

Ҳар сафар жаҳон мамлакатларининг иқтисодий аҳоли акс этган тахлилий журналларни ўқиганимизда, қатор рақамли тўлов компаниялари, молия дунёси ва давлат сиёсати бошқарувчиларининг – банкнот ва нақд пулларидан узоқлашиб, масофавий муносабатларни фаоллаштириш керак, деган сўзлари, худдики ҳеч қачон бизнинг замин билан кесишмайди-гандек туюлар эди. Аммо, барчани ўйлашга мажбур қилган ҳозирги таҳликали, таъбир жоиз бўлса, фавқулдод ҳолат, ривожланишга вақт ва сабабнинг алоқаси йўқлигини яна бир бор кўрсатди.

Бунинг яққол мисолини мамлакат молия бозоридаги туб бурилишлар, қабул қилинган кескин қарорлар, йиллар давомида “ана бўлади – ана бўлади” деб юрилган хизматларнинг қисқа вақт ичида жорий этилгани билан изоҳлаган бўлар эдим.

Биринчидан, жаҳон амалиётида кенг қўлланиладиган усул яъни ходимларнинг масофадан туриб ишлаши. Унинг самараси, янги гоъяларнинг вужудга келишидаги аҳамияти ҳақида Россиянинг “Тинькофф”, АҚШнинг “Bank of America” сингари таниқли молия институтилари ўз фаолиятлари орастида исботлашган бўлсалар-да, бизнинг “шўрлик” банклар чиройли муқоваси билан кўзни қувонтирувчи “Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси”да (<https://lex.uz/docs/142859>) белгиланган иш вақтидан ўтиб ҳам ўз “кабинет”ларида ўтиришга маҳкум эдилар. Ҳозир эса мана шу қатъий чорга чек қўйилиб, замонавий АКТ орқали масофавий тарзда фаолият олиб боришапти. Ҳаттоки, ўз мобил телефонидagi функцияларни ишлатишга қийнаётган ёши катталар ноутбук орқали умумий базадаги маълумотларни таҳлил қилимоқда.

Иккинчидан, мижозлар банкни, банк ходимлари эса мижозларни ҳурмат қилишни, ўзаро ишонини бошлашди, менимча. Яъни, ҳозиргача Ўзбекистондаги 30 га

яқин тижорат банкларининг деярли барчасида мобил иловалар бўлган бўлса-да, ундан бевосита фойдаланувчилар сони жуда ҳам кам эди. Кўпроқ йирик тадбиркорлар, корпоратив мижозлар кўл телефонларида иловаларни уч-ратардингиз. Бугун эса банкларга бўлаётган мурожаатларнинг аксарият қисми, онлайн кредит олиш, омонатларга пул жойлаштириш, турли тўловларни амалга ошириш, қарздорликларни масофавий сўндириш ва ҳаттоки, пул ўтказмаларини амалга ошириш каби амалиётларга тўғри келмоқда. Демакки, одамларимизни ёмон ёки тартибсиз фойдаланувчилар сирасига қўшишдан олдин, ўзимиз тақлиф этаётган тезкор, сифатли хизматларимиз ҳақида қайғуришимиз керак экан аслида. Сабаби, кўп банкларнинг онлайн хизматлари ҳали – ҳануз талаб даражасида эмас.

Учинчидан, навбат, оврагарчилик деган гарбнинг 20 йил аввалги одатларига ҳам қайсидир маънода чек қўйилиб, боз устига банкларда етказиб бериш хизматлари ҳам жорий этилмоқда. Тасаввур қилинг-да, пластик картангизнинг амал қилиш мuddати яқунланмоқда, сиз ўзингиз мижоз бўлган молия муассасасининг расмий веб – сайтига кириб, янги картага буюртма берасиз ва бир неча соат ичида улар уйингизга етказиб беришапти. Ахир бу бизнинг шароитда “фантастик”-ку.

Қайд этиш жоизки, синов ва қийинчиликлар улардан тўғри хулоса чиқариш учун берилади, аслида. Шундай экан бугунги пандемия биздан янада замонавийлаштиришга, тезроқ барча соҳаларни рақамлаштиришга ундамоқда. Айниқса, тижорат банкларига бу борада тезроқ жиддий чоралар кўрилиши кераклигини тақозо этмоқда. Чунки айна кунларда айрим туманларда банкмаотлар олдида ўнлаб одамларнинг нақд пул олиш учун навбат кутиши бугунги шароитда ҳаёт-мамот масаласи эмасми?!...

Нодирбек МУҚИМОВ

Ўзбекистон журналистика ва оммавий муносиқациялар университети талабаси

ТУЗАТИШ

“Банк ахборотномаси” газетасининг 21 май 19-сонидаги “Алоқабанк” АТБ нинг молиявий ҳисоботида қайд этиб ўтилган “Молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги “PKF MAK ALYANS” МЧЖ аудиторлик компанияси (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2008 йил 30 январдаги АФ 00531-сонли лицензияси) томонидан тасдиқланган ва унинг барча муҳим ҳижоатлари амалдаги қонун ҳужжатлари ҳамда Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тайёрланган” деган жумла “Молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги “ПрайсвотерхаусКуперс” аудиторлик ташкилоти (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2019 йил 5 апрелдаги АФ№ 00780-сонли лицензияси) томонидан тасдиқланган ва унинг барча муҳим ҳижоатлари амалдаги қонун ҳужжатлари ҳамда Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тайёрланган”, деб ўқилсин.

ЭНГ КАТТА МАОШ ҚАЕРДА?

Энг катта миқдордаги маошлар АҚШда ва бу мамлакат биздаги рейтингнинг юқори ўрнида турибди, деб ўйлайдиганлар кўпчилик эканини биламиз. Бироқ аслида Америка бу борадаги рўйхатнинг кучли бешлигига кира олмаган.

5. ГЕРМАНИЯ – 4 100 АҚШ ДОЛЛАРИ

Хабарингиз бор, бу мамлакатда катта миқдордаги сановат машиналари ва автомобиллар ишлаб чиқарилади. Шу боис муҳандис ва дастурчиларга бўлган талаб ҳамша юқори бўлган. Бу касб эгалари эса катта миқдордаги маош олишади. Бироқ бу давлатда даромад ҳақида кўп ҳам маълумот берилмайди, ҳатто айрим шартномаларда бу ҳақдаги маълумотни очиқлаш мумкин эмаслиги қайд этилади.

4. НОРВЕГИЯ – 5 100 АҚШ ДОЛЛАРИ

Бу мамлакат нефть қазиб



олиш ва баллиқ тутиш учун энг қулай давлат ҳисобланади, шу боис ишсизлик билан боғлиқ муаммо деярли йўқ. Ҳафтасига норвегиялик атиги 30 соат ишлашига йўл қўйилади. Бу эса ўз шахсий ишларига кўпроқ вақт сарфлаши мумкинлигини билдиради. Айтишларича, ишлаш учун ажратилган қисқа вақт иқтисодиёт ва ишнинг самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади.

3. ДАНИЯ – 5 650 АҚШ ДОЛЛАРИ

Мамлакатда юқори даражадаги яшаш шароити ва мўътадил

иқлим мавжуд. Катта маошларни тиббиёт, молия ва бизнес соҳасидаги инсонлар олишади. Аммо айни пайтда даромад солиғи миқдори ҳам юқори ва яшаш ҳам қимматга тушади. Данияда бадавлат ва камбағал инсонларнинг иш ҳақи орасидаги фарқи катта эмас, шу боис у ерда жуда бадавлат ва ўта қашшоқ инсонлар деярли йўқ.

2. ШВЕЙЦАРИЯ – 6 500 АҚШ ДОЛЛАРИ

Швейцария ўзининг жозибадор табиат кўриниши, иқлими билан машҳур, шу боис айрим-

лар пенсияга чиқиши биланоқ шу мамлакатга ошиқади. Бироқ бу мамлакатнинг ягона ютуғи эмас. Давлатда бизнес юритиш учун қулай шароит яратилган бўлиб, ишчи ходимларнинг иш ҳақи ҳам 13 ойлик тизим асосида шакллантирилади. Бироқ яшаш ҳам қиммат мамлакатлардан бири ҳам айнан Швейцариядир. Бир уйда ойига ўртача 2100 АҚШ доллари тўлаб ижарада яшаш мумкин.

1. ЛЮКСЕМБУРГ – 7 400 АҚШ ДОЛЛАРИ

Бу кичкинагина давлатда ҳар бир инсон ўртача ҳисоблаганда бошқа катта мамлакатга нисбатан кўпроқ маошга эга бўлади. Минимал ойлик 1900 АҚШ долларини ташкил этади, бу эса жаҳон бўйича рекорд натижадир. Юқори даражадаги яшаш шароити ва паст фоидали солиқлар мамлакатда паст даражадаги ижтимоий ҳамадмда ишсизликка сабаб бўлмақда. Шунингдек, Люксембург оффшор ҳудудда жойлашган. Мамлакат яхши ривожланаётган бўлиб, илм-фан, дастурлаш, бизнес ва молия соҳасидаги мутахассисларни яхши маошлар билан таъминлайди.

Илк электромобиль 1841 йилда ишлаб чиқарилган. Шундан буён электромобиллар такмиллаштирилмоқда ва жами автомобиль соҳасидагиларнинг 5 фоизи ушбу маҳсулотни ишлаб чиқаришга киришиб кетган. Айрим мамлакатларда эса 2025 йилга бориб ёқилғили автомобиллардан воз кечишмоқчи.



МИЛЛИОН ДОЛЛАРЛИК ЭЛЕКТРОМОБИЛЛАР

Бундай қизиқишнинг жуда тез фурсатларда ўсиши электромобиль ишлаб чиқараётган йирик компанияларга энг қиммат ва ноодатий русумлиларини кўпроқ тайёрлашлариға сабаб бўлмоқда. Қўйида шундай қиммат электромобиллар рўйхати билан танишишингиз мумкин.

5. THE LIGHTNING GT – 300 000 АҚШ ДОЛЛАРИ

Бу русумдаги машина атиги 50 дона ишлаб чиқарилган. Максимал тезлиги 225 км/соатни ташкил этади. Машина жуда ҳам жозибадор олди кўриниш (корпус)га эга. Металл рангли бу машина диск услубига мос ҳолдаги кўринишда. Буюк Британиядаги компания автомобиль ишлаб чиқариш учун сарфланган деярли барча эҳтиёт қисмлари маҳаллий

маҳсулотлардан иборат эканлигидан фخرланади. Литий ва титанли қувватлагичга эга кам сонли автомобиллардан биридир. Бундай қувватлагичлар тўлиши учун 10 дақиқа вақтнинг ўзи етарли.

4. MERCEDES BENZ SLS AMG – 550 000 АҚШ ДОЛЛАРИ

Тезлиги юқорилиги бўйича иккинчи ўрнида туради ва соатига 250 км йўлни босиб ўтади. Тўлган қувватлагичи билан 250 км/соатли тезликка атиги 3,9 сонияда ўта олади. 740 от кучига эга бу электромобиль 2015 йилда илк марта ишлаб чиқарилган. Биргина салбий томони, қувватлагични узок вақт давомида тўлдиршида (деярли 20 соат) дир.

3. RIMAC CONCEPT 1 – 1 000 000 АҚШ ДОЛЛАРИ

Бу спорт автомобиль икки киши учун мўлажалланган. Қуввати – 1088 от кучига тенг, тезликка 2,8 сонияда ўтиш мумкин. Бир марта тўлдирилган қувватлагич билан 595 км лик масофани босиб ўтса бўлади. 2014 йилда атиги 88 дона ишлаб чиқарилган бўлиб, нархи 1 миллион АҚШ доллариға тенг.

2. MERCEDES-BENZ SLS ELECTRIC GULLWING E-CELL – 1 000 000 АҚШ ДОЛЛАРИ.

Автомобиль тўқ сариқ рангда бўлиб, ҳар бир гилдирак учун 4 тадан двигателга эга. 526 от кучилик қувватга эга электромобиль 4 сониядаёқ юқори тезликка ўтиши мумкин. Бундай тезлик унинг 2045 килограммик вазни учун бироз хавфли. Бу русумдаги автомобиль 100 фоидали электромобиль саналади. 60 кВтлик қувватлагич билан биройла 210 дан 240 километрик йўлни босиб ўтиш мумкин.

1. ЭЛЕКТРОМОБИЛЬ ROLLS ROYCE PHANTOM 102EX – 1,6 МИЛЛИОН АҚШ ДОЛЛАРИ.

Ташқи кўриниши ёқилғили шу русумдаги автомобилниқига ўхшаш. Ишлаб чиқариш айрим камчиликлар тўғрисида 2011 йилдаёқ, Женевадаги кўргазмадан кейин тўхтатиб қўйилган. 290 кВтлик қувватлагич билан 170 километрик маошга эса 8 соат вақт талаб этилади. Шубҳасиз, бу русумдаги автомобиль ноанъанавий ва қизиқарли ҳисобланади.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

огоҳлик

ЁНГИН ЖОЙИГА ЕТИБ БОРИШ ЙЎЛИДА ТЎСИҚ БОРМИ

Аксарият ёнгинларнинг аҳоли яшаш жойларига тўғри келаётгани сабаби ҳаммаиз учун таниш оддийгина ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя этмасликдир. Фуқароларнинг биргина ёнгин хавфсизлиги қоидаларига бепарқ қараши тўғрисида машаққатли меҳнат эвазига қурилган уй-жой ёки мол-мулкларни бир неча дақиқада култепага айланмоқда.



Ёнгин содир бўлаётган жойга йўл олган ёнгин ўчириш автоуловлари ҳар дақиқани ганимат билиб, отланар экан, айрим кўчаларга ўрнатилган темир ва бетон тўсиқлар ғов бўлиб, ёнгинларнинг бартараф этилишини қийинлаштириб, янада оловланиб кетишига олиб келмоқда.

Давлат ёнгин хавфсизлиги ходимлари барча фуқароларни энергия манбаларидан унумли фойдаланишга қақиради. Электр манбаи ва газни оқилона ва инсоф билан ишлатмаслик қанчалар зарар эканини ҳеч бировимиз унутмаслигимиз лозим. Уйдан чиқиб кетаётганда электр ва газ ускуналарни ўчиришни ёдингиздан чиқарманг, фарзандларингизни назоратсиз қолдирманг.

Шерзод ИСЛАМОВ
Юнусобод тумани
Фавкуллда вазиятлар бўлими ёнгин назорати ва профилактикаси бўйича мутахассис кичик сержант

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ - ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

АХБОРОТ ҲАМКОРЛАРИМИЗ

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

Ўзбекистон Республикаси
Банк-молия академияси

БОШ МУҲАРРИР
Бобур МУҲАММАДИЁВ

НАШР УЧУН МАСЪУЛ
Шукр ЖАЪБОР

БУНА ВА РЕКЛАМА
БЎЛИМИ РАҲБАРИ
Ўктам АБДУЛЛАЕВ
Тел: +998 90 0264090
71 234 43 18

Факс: 71 234 43 18
Нашр индекси-102.

МУАССИС:
"Moliya yangiliklari agentligi" МЧЖ

Ахборот кўмаги
Ўза, "Norma Hamkor" МЧЖ
www.finance.uz

Тахририят манзили:
100060, Тошкент ш., Юнусобод т.
Осиё кўчаси 1а
e-mail: bankaxborotnomasi@mail.ru,
Чоп этишга тайёрловчи:
"Moliya yangiliklari agentligi" МЧЖ
Газета тахририятнинг техник
ускуналарида саҳифаланди.

Тахририятнинг фақат ёзма розилиги билан "Банк ахборотномаси" да зълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилади. Қўлэмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами билан рўйхатга олинган. Газета ҳафтада бир марта – пайшанба куни чиқади. Бунортма № г 0593 А-1595 Нархи шартнома асосида. Газета А3 ҳажмида, 4 шартли босма табоқда чоп этилди. Босишга рухсат этилди: 26.05.2020 й., 1 2 3 4 5 6